



БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

(Энг қадимги замонлардан ҳозиргача) мавзусидаги

2024
10 май



РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ

МАТЕРИАЛЛАРИ

Бухоро-2024

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ
(Энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

мавзусида Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

2024 йил 10 май

Бухоро – 2024

Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция

Yoʻldoshova Gulmira Samandar qizi, O.S.H.Ahmadov. OʻQUVCHI-YOSHLAR IJTIMOYIY FAOLLIGINI OSHIRISHDA BUXORO JADID MAʼRIFATPARVARLARINING TARIXIY MEROSI.....	286
Sharopov Dilshod Ravshan oʻgʻli. P.I.DEMEZON VA I.V.VITKEVICH ASARLARIDA BUXORO AMIRLIGI TARIXI MASALASI.....	288
Феруза Саъдуллаевна Амонова. БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ.....	289
D.E. Saidova. BUXORO ADABIY MUHITIDA MUSIQIY NEGIZLAR (XIX-XX ASR).....	292

**3-ШЎБА “БУХОРИЙ” ЛАРНИНГ ИЛМИЙ, ТАРИХИЙ ВА АДАБИЙ
МЕРОСИ, УЛАРНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТИГА ҚЎШГАН
ҲИССАСИ.....** 295

Қодирхон Махмудов. ИМОМ БУХОРИЙНИНГ “АЛ-ҚИРОАТУ ХАЛФАЛ ИМОМ” АСАРИ ТАБРИФИ ВА ФИҚҲИ.....	295
Qamariddinova Gulrux Akmal qizi. RASHANOT – BUXORODAGI XOʻJAGON TARIQATI ULUGʻLARINING ILM YOʻLI TOʻGʻRISIDAGI QIMMATLI MANBA.....	297
Шоназаров Абдувоси Абдибоқиевич. АБУ ЖАЪФАР ВАРРОҚ БУХОРИЙ ВА УНИНГ “ШАМОИЛИ БУХОРИЙ” РИСОЛАСИНИНГ ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	299
A.N.Hakimova. IMOM AL-BUXORIY ILMIY MEROSINING JAHON ILM-FANI VA MADANIYATGA TUTGAN OʻRNI.....	302
Azimova Muhabbat Samadovna. BUXORIY IJODIDA BUXORO TARIXI MAVZUSI.....	304

**4-ШЎБА ЖАҲОН МАДАНИЙ МЕРОСИ ТАРКИБИДА “БУХОРОДАГИ
МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР, ЗИЁРАТГОҲЛАР, АЗИЗ АВЛИЁЛАР ЗИЁРАТ
ТУРИЗМИ ОБЪЕКТИ” СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....** 308

Хамраев Азалшоҳ Ҳазратович. БУХОРОДАГИ ТУРКИ ЖАНДИ МАҚБАРАСИ ТАРИХИ.....	308
Rajabov Oybek Iskandarovich. HAZRAT KAʼBUL ANBOR qadamjosi xususida.....	317
Жамшид Халилов, Умиджон Бақоев. БУХОРОДАГИ ШАЙХ САЙФИДДИН БОХАРЗИЙ МАҚБАРАСИДАГИ ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИК САҒАНАСИ.....	319
Савриев Жасур Фахриддинович. “НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР, ЗИЁРАТГОҲЛАР, АЗИЗ АВЛИЁЛАР ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ ОБЪЕКТИ”СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	322
Ismoilova D.A., Biyev N.O. BUXORODAGI MUQADDAS QADAMJOLAR, ZIYORATGOHLAR, AZIZ AVLIYOLAR ZIYORAT TURIZMI OBʼEKTI SIFATIDA.....	325

**5- ШЎБА БХСР ВА СОВЕТ ДАВРИДА БУХОРО ТАРИХИ
МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОГРАФИЯ,
ШАҲАРСОЗЛИК, ИЛМ-ФАН,.....** 328

Қахрамон Ражабов. ТУРКИСТОН ҚЎРБОШИЛАРИ ВА ЖАДИДЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК УЧУН КУРАШИ.....	328
Темур Хўжаўғли БУХОРО ХАЛҚ ШҶРОЛАР ЖУМҶУРИЯТИДАГИ ВАҚЕАЛАРНИНГ БЕШ ЖОНЛИ ГУВОҲИ.....	337
Фаррух Темиров. САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ (БХСР) ДАВРИДАГИ ИЛМИЙ – ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ. Биринчи мақола.....	344
Фаррух Темиров. САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ (БХСР) ДАВРИДАГИ ИЛМИЙ – ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ. Иккинчи мақола.....	347
Бобожонова Феруза Хаятовна. БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА МАКТАБ МАСАЛАЛАРИ.....	349

Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

ҳам ўқитиш зарурлиги томонида туради. Мазкур мактуб БХСР тузилгач шу йиллардан бошлаб машҳур ёзувчи, илм-фан фидойиси ва ташкилотчиси сифатида Самарқанддан туриб, Бухорои шарифда халқ маорифини ташкил қилиш ва ривожлантириш ишларига катта ёрдам берганлигини яна бир қарра исботлаб турибди.

Ортада қолган йиллар давомида С.Айний то умрининг охиригача (1958) Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Душанбедаги турли ўзбек, тожик, рус ва бошқа қардош халқлар адабиёти ва матбуоти ходимлари, шоир ва таржимонлар, ёзувчилар билан ўзаро ёзишмалар, алоқаларини йил сайин кенгайтириб, мустаҳкамлаб борди. Жумладан, у Самарқандда яшаган йиллари у билан доимий мулоқотда бўлиб турган самарқандлик ёзувчи ва олим Мардонкул Муҳаммадқуловнинг ёзишича, С.Айний ўзбек тарихий романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий (Жулқунбой) билан ҳам XX асрнинг 20 йиллардан бошлаб яхши таниш ва ҳаммаслак бўлган¹.

БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА МАКТАБ МАСАЛАЛАРИ

Бобожонова Феруза Хаятовна

Бухоро давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди

Elektron pochta manzili, telefon nomeri

957674774

Бухоро амирлигида амирлик тузуми ағдариб ташлангач, янги ҳукумат Бухоро халқ совет республикаси (БХСР) юзага келди. Бу ҳукумат 1920 йилдан то 1924 йилгача давом этган халқ республикаси эди. 1920 йил 14 сентябрда бўлган Халқ Нозирлар Шўроси, Ревком ва БКП МКнинг умумий йиғилишида 9 кишидан иборат Абдулқодир Мухитдинов раислигидаги Бутун Бухоро инқилобий кўмитаси ва республика ҳукумати — 11 кишидан иборат Файзулла Хўжаев раислигида Халқ Нозирлар Шўроси тузилди. Бухоро инқилобий кўмитасининг аъзолари қилиб Муинжон Аминов, Олимжон Акчурин, Абдулҳамид Орипов, Собир Юсупов, Ҳожи Ҳасан Иброҳимов, Файзулла Хўжаев, Қулмуҳамедов тайинланган. Мамлакатни бошқариш мақсадида тузилган Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси таркиби қуйидагича эди: раис ва хорижий ташқи ишлар (нозир- Ф.Хўжаев), маориф (Қори Йўлдош Пўлатов), ички (доҳилия) ишлар (М. Саиджонов), молия (У.Пўлатхўжаев), давлат назорати (Н.Хўсаинов), фавқулодда комиссия (раиси Иброҳимов), адлия (М. Бурҳонов), ҳарбий (Шиҳобуддинов), савдо ва саноат (М. Мансуров) нозирликлари.

БХСР ҳукумати маданият ва маориф соҳаларини ҳам ислоҳ қилишга катта эътибор қаратди. Бу борада БХСР ҳукумати таркибида ташкил қилинган Маориф халқ нозирлиги катта роль ўйнади. БХСР маориф нозирлари сифатида 1920 – 1924 йилларда Бухородаги жадидчилик ҳаракати ва Ёш бухороликларнинг етакчилари бўлган Қори Йўлдош Пўлатов (1890 – 1965), Абдулвоҳид Бурҳонов (1875 – 1934), Фитрат (1886 – 1938), Мусажон Саиджонов (1893 – 1937) фаолият кўрсатишди. Айниқса, Фитрат БХСРда маорифни ривожлантиришда катта хизмат қилди.

Тараққийпарвар ва миллат фидойиси Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг БХСР да таълимни замонавийлаштириш ва янги усул мактабларини ташкил этишдаги фаолияти жудда каттадир. Пўлатов Қори Йўлдош Пўлатович 1890 йилда Бухоро амирлигидаги Карки шаҳрида туғилган. У давлат ва жамоат арбоби. Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг намояндаси. Мир Араб мадрасасида таҳсил олган. Қори Йўлдош Пўлатов 1912 йилдан бошлаб Ёш бухороликлар фирқасининг Карки шўъбаси бошлиғи; 1919—1920 йилларга қадар Самарқанд вилояти халқ таълими мудирини; 1920—1922 йилгача БХСР маориф нозирини, 1922 йилда ички ишлар нозирини, 1922—1923 йилларда молия нозирини ва иқтисодий кенгаш раисини ва турли лавозимларда ишлаган. Қори Йўлдош Пўлатов 1909 йилдан бошлаб Бухоро амирлиги Карки беклигидаги жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган. Янги усул мактаблари очган ва муаллимлик қилган. Аҳоли ўртасида жадид матбуотини тарқатган, ўзбек тилида театр спектакллари қўйилишини ташкил қилиб, ундан тушган маблағ ҳисобидан кироатхона ва кутубхона очган. Бухоро республикасида

¹Муҳаммадқулов М. Биринчи учрашув / Айний замондошлари хотирасида. Тошкент, 1978. – Б. 116-118.

Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция

маориф тизимини ташкил қилиш, Германия ва Туркияга 40 нафар ёшларни ўқишга юборишда Фитрат билан биргаликда катта ишларни амалга оширган.

Мақтаб тизими масалаларига доир қабул ҳужжат БХСР маориф ноziри Қори Йўлдош Пўлатов раҳбарлигида ишлаб чиқилган “Мақтаблар ҳақида умумий қоидалар” (“Қоидалар”) бўлиб ҳисобланади. Мазкур “Мақтаблар ҳақида умумий қоидалар” деб номланган ҳужжат “Бухоро ахбори” газетасида эълон қилинган. Ушбу “Қоидалар”да мақтаб масалаларини йўлга қўйишнинг умумий вазифалари, мақтаб маъмуриятида бошқарув, педагог ходимларга маош тўлаш тартиби, мақтабда фанларнинг ҳамда таълим-тарбиянинг асосий йўналишлари қайд этилади.

БХСР ҳукумати таркибида таълим-тарбия масалалари билан шуғулланадиган Маориф нозирлиги ҳам тузилганлиги, унинг таркибида —Маориф ишлари бўлими бошлаганлиги эътиборга лойиқ. БХСР ҳукуматининг Маориф ноziри лавозимига Қори Йўлдош Пўлатов сайланганди. БХСР мақтабни тубдан ислоҳ қилиш, таълим-тарбия тизимини ўзгартириш, миллатни маънан уйғотиш учун дастлабки кунларданок замонавий маориф тизимини вужудга келтириш чоралари кўрилди. Маориф учун мақтаб жудда керакли эди. Қолоқликдан қутилишнинг ягона йўли-бу мақтабларни ислоҳ қилиш кераклилигини тушуниб етдилар.

БХСР маориф нозирлиги ҳузурида 1920 йил 25 октябрда мақтаб бўлимининг ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Мақтаб бўлимида 4 бўлим ташкил қилинди: мақтаб, бухгалтерия, илмий, ўқув. Бўлимлар қуйидаги вазифаларни бажарган: Мақтаб учун дастур тузиш, керакли ўқув қўлланмаларни тўплаш ва тарқатиш, мақтаблар ва курслар учун ўқув қўлланмаларни таржима қилиш ва нашр этиш, мақтаб ёшидаги болалар ва мақтабда ўқишни истаганлар учун бухгалтерия ҳисобини жорий этиш, илмий иш билан шуғулланадиган одамларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг билимларини текшириш, мақтабгача таълим тизимини ташкил этиш.

БХСР да хотин-қизлар масаласида ҳам анча ишлар амалга оширилган. Бунга бошқа миллат вакиллари ҳам фаол иштирок этган. Шунингдек, татар аёли Л.Тухватова мақтаблар фаолиятида, айниқса хотин-қизлар ўртасида тарғибот олиб бориш учун Бухорога келган. У мақтаблар масаласида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган.

БХСР да замонавий мақтабни қурилишига маориф нозирлиги раҳбарлик қилиб, қишлоқларда, туманларда ва уйларда маориф ишларига катта эътибор берди. Авваломбор, аввалги таълим усулларини тубдан ўзгартиришга маҳаллий аҳолининг кучли таъсири ва тайёр эмаслигини ҳисобга олиб, республика намунали совет бошланғич мақтабларини яратиш ва болаларни тарбиялашнинг илғор усулларини тарғиб қилиш билан чекланиб қолди.

1921 йил январь – февраль ойларида Карки ва Чоржўйда 15 та мақтаб, Фороб туманида – 36 та ўқувчига эга битта мақтаб очилди. 1921 йил 6 июнда Халқ таълими назорати томонидан Шарқий Бухоро ва Душанба шаҳарларида биринчи мақтабни очилди ва йил ўрталарига келиб Бухоро Республикасининг турли жойларида 73 мақтаб очилди, шу жумладан: “Бухорода - 10, Нуротада - 2, Хатирчида - 5, Ғиждувонда - 3, Вобкентда - 2, Термизда - 3, Қорақўлда - 2, Карманада - 7, Ғузурда - 5, Қаршида - 10, Каркида - 4, Чоржўйда - 11, Шаҳрисабзда - 5, Шофирконда - 4”. БХСРда мақтаб ёшдаги болалар рўйхатга олинган.

Бухоро халқ совет республикаси ҳукумати томонидан янги очилган мақтаблар икки босқичдан иборат эди: биринчи босқич бошланғич мақтаб бўлиб, у ерда 4 йил давомида таҳсиллар олиб борилди. Бухоро Республикаси ҳудудида очилган мақтабларнинг аксарияти биринчи босқичга тегишли эди. Иккинчи босқич эса бу 5 йил давом этган ўрта мақтаб. БХСРда замонавий мақтаб таълимини ташкил қилиш ва мақтабларни очиш масалалари катта қийинчиликларга олиб келди.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро халқ совет республикасида мақтаб масалаларига жудда катта эътибор берилди. БХСР да мақтаб соҳасини талаб даражада йўлга қўйиш, замонавий усулда мақтабларни ташкил қилиш учун ҳукумат томонидан анча салмоқли ишлар амалга оширилди. жиддий ҳаракат қилинган.

Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

Фойдаланилган адабиётлар

1. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар, М., 1926
2. Жўраев Ҳамза Атоевич. Бухоро халқ совет республикасидаги маданий ҳаёт ва ундаги ўзгаришлар (1920 – 1924 йй.) тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Бухоро – 2023.
3. Камол Раҳмонов. Бухоро халқ совет республикаси тарихи-матбуот саҳифаларида. (1920 – 1924 йиллар). Тошкент. 2012.
4. Туркистон ижтимоий- сиёсий, маданий ҳаётида татарлар. Тошкент. Турон-Иқбол. 2019.
5. Хўжаев Ф., Бухоро инқилобининг тарихига материаллар, Т., 1997.
6. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент. Шарқ. 2000.

ТУРКИСТОН ҚЎРБОШИЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҲАҚҚОНИЙ КИТОБ

Асрор Пардаев

*Қарши давлат университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих инситути бош илмий ходими, тарихчи олим, профессор Қахрамон Кенжаевич Ражабов билан танишганимизга 20 йил бўлди. Бу вақт ичида давр ўзгарди, сиёсат ўзгарди. Лекин у кишининг тарихга, бўлиб ўтган ҳодисаларга, жараёнларга нисбатан қарашлари, айниқса тарихчиларга хос ва зарур бўлган холислик, адолатлилик ёндашувлари ўзгармади. Шунинг учун ҳам устоз тарихчи олимлар, айниқса тарихга қизиқувчи инсонлар ўртасида катта ҳурмат қозонган, мақолалари, китоблари катта қизиқиш билан ўқилади. У киши нафақат тарихий китобларни, маънавиятга, адабиётга, сиёсатга, иқтисодиётга, фалсафага ва албатта спортга, умуман инсонни ижтимоий фикрлашга чорлайдиган китобларни ҳам тинмай ўқийди ва изланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлаш арафасида Ўзбекистон Олий суди раиси ўринбосари Иқром Муслимов раислигида 2021 йил 25 августда бўлган очиқ суд мажлисида совет даврида олтига жиноят иши бўйича қатағон қилинган 115 нафар шахс Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига асосан оқланди. Бу оқлов 30 йил кечикиб бўлса ҳам амалга ошди. Реабилитация қилинганларнинг асосий қисмини Туркистоннинг йирик уламози ва жаҳид тараққийпарвари Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўраев ва бошқалар (92 нафар шахс), машҳур қўрбоши Иброҳимбек Чақабоев ва унинг сафдошлари (16 нафар шахс: Иброҳимбек Чақабоев. 2. Сулаймон Салоҳиддинов (Эшони Судур). 3. Абдуқаюм Парвоначи Улаев. 4. Эшон Исохон Мансурхонов. 5. Алимардон Додхоҳ Муҳаммедов. 6. Ортиқ Додхоҳ Аширов. 7. Кўганбек Кенжаев. 8. Тошмат Хўжабердиев. 9. Мулла Ниёз Парвоначи Ҳақимов. 10. Алет (Арлот) Полвон Элмирзаев. 11. Шоҳасан Имонкулов. 12. Кўганбек Шералиев. 13. Мулла Аҳмад Бий Саидов. 14. Мирзақаюм Шеров. 15. Азим Марқа Остонакулов. 16. Эшон Полвон Баҳодирзодалар ҳам оқланди.